


Ўзбекистон Республикаси
ялпи ички маҳсулоти¹
2025 йил январь-сентябрь ойлари учун²

- I. Ялпи ички маҳсулот динамикаси
- II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи ички маҳсулот
- III. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикаси
- IV. Ахборот-коммуникация технологиялари хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши
- V. Кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ялпи қўшилган қиймат
- VI. Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт
- VII. Изоҳлар
- VIII. Ҳаволалар

I. Ялпи ички маҳсулот динамикаси

Дастлабки маълумотларга кўра, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда **1 303,7** трлн сўмни ҳамда 2024 йилнинг мос даври билан таққослаганда реал ўсиш суръати **7,6 %** ни ташкил этди.

ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари, январь-сентябрь



Мавзуга доир ҳавола:

[ЯИМ \(ЯХМ\) ҳажми \(чораклик\)](#)

[ЯИМ \(ЯХМ\) ўсиш суръатлари \(чораклик\)](#)


¹ Маълумотлар кузатилмайдиган иқтисодиётни баҳолаш бўйича ўтказилган статистик кузатувлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган.

² Дастлабки маълумотлар

ЯИМ дефлятор индекси 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларидаги нархларга нисбатан **112,2 %** ни ташкил этди. ЯИМ дефлятор индексининг энг юқори кўрсаткичлари саноат тармоғида – **113,3 %** ва бошқа хизмат тармоқларида – **115,2 %** қайд этилди.

Республиканинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда – **105,9 %** ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида – **106,3 %** қайд этилди.

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида ЯИМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекслари



Мавзуга доир ҳавола:

[ЯИМ дефлятор индекси \(чораклик\)](#)


II. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи ички маҳсулот

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМни ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотлар билан ифодаланади:

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да	ЯИМ ўсишидаги ҳиссаси, % да
	2024 йил январь-сентябрь	2025 йил январь-сентябрь		
ЯИМ – жами	1 079 875,5	1 303 702,1	107,6	х
шу жумладан:				
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	1 033 668,6	1 239 893,6	107,7	7,3
қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	191 656,2	211 035,3	103,6	0,6
саноат	267 557,2	323 805,7	106,8	1,7
қурилиш	76 769,0	92 873,0	114,2	1,0
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	116 232,5	140 121,1	110,6	1,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	81 969,3	105 029,0	114,6	1,1
бошқа хизмат тармоқлари	299 484,4	367 029,5	106,4	1,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	46 206,9	63 808,5	106,9	0,3

Иқтисодий ўсиш суръати иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ижобий динамика билан боғлиқдир. Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг **95,1 %** ини ташкил этди ва **7,7 %** га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири **7,3** фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши **4,9 %** ни ташкил этди ва **6,9 %** даражасида ўсиш қайд этилди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири **0,3** ф.п.).

ЯИМнинг тармоқлар бўйича таркиби, январь-сентябрь



2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши **48,1 %** дан **49,4 %** га, саноатнинг улуши **25,9 %** дан **26,1 %** га ва қурилишнинг улуши **7,4 %** дан **7,5 %** га ошди. Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши **18,6 %** дан **17,0 %** га камайди.

2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми **323 805,7** млрд сўмни ташкил этди ва 2024 йилнинг мос даври билан таққослаганда **6,8 %** га ўсиш кузатилди.


Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг **7,5 %** га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғининг **8,0 %** га ижобий ўсиши ҳисобига таъминланди.

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да
	2024 йил январь-сентябрь	2025 йил январь-сентябрь	
Саноат – жами	267 557,2	323 805,7	106,8
шу жумладан:			
тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғи	32 772,5	36 982,8	104,0
ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноат	212 958,0	261 441,3	107,5
электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғи	20 027,2	23 072,5	104,0
сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғи	1 799,5	2 309,1	108,0

2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми **92 873,0** млрд сўмни ташкил этди ва 2024 йилнинг мос даври билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми **14,2 %** га ўсди.

Жумладан, бино ва иншоотлар қурилиши **5,9 %** га, фуқаролик объектлари қурилиши **29,4 %** га ва ихтисослаштирилган қурилиш ишлари **57,6 %** га ўсган.

Қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-сентябрь




2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **612 179,6** млрд сўмни ташкил этди ва 2024 йилнинг мос даврига нисбатан **8,7 %** га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари **12,8 %** га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар **8,4 %** га, ташиш ва сақлаш хизматлари **11,5 %** га, ахборот ва алоқа хизматлари **21,1 %** га, бошқа хизматлар **6,4 %** га ўсди.

	Ҳажми, млрд сўм		Ўсиш суръатлари, % да
	2024 йил январь-сентябрь	2025 йил январь-сентябрь	
Хизматлар соҳаси – жами	497 686,2	612 179,6	108,7
шу жумладан:			
савдо хизматлари	59 905,3	71 525,6	112,8
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	56 327,2	68 595,5	108,4
ташиш ва сақлаш	56 104,5	69 054,9	111,5
ахборот ва алоқа	25 864,8	35 974,1	121,1
бошқа хизматлар	299 484,4	367 029,5	106,4

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуши чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва **54,4 %** ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши **32,0 %** ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши **13,6 %** ни ташкил қилди.


Савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-сентябрь



2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИМидаги улуши **5,6 %** ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуши автомобиль транспортига тўғри келди ва **55,8 %** ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши **10,8 %**, темир йўл транспортининг улуши **7,4 %**, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши **17,6 %**, ҳаво транспортининг улуши **8,4 %** ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркиби, январь-сентябрь




III. Аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот динамикаси

2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми **34 483,9** минг сўмни ҳамда 2024 йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати **5,6 %** ни ташкил этди.

Таққослаш учун: 2024 йилнинг январь-сентябрь ойларида аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми **29 124,8** минг сўмни ташкил этиб, **4,4 %** га ўсган.


Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатлари, январь-сентябрь



IV. Ахборот-коммуникация технологиялари хизматларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши **2,6 %** ни ташкил этди.


АКТ хизматларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг **35,1** фоизи алоқа хизматлари, **43,2** фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, **12,3** фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, веб-порталлар, **6,2** фоизи дастурий таъминотни чиқариш, қолган **3,2** фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келган.



V. Кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган ялпи қўшилган қиймат

Таркиби, жамига нисбатан

ЯИМда кичик тадбиркорлик (бизнес)нинг улуши,
ЯҚҚга нисбатан



2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан **638 221,7** млрд сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг **51,5 %** и яратилган. Шундан **32,0 %** и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, **13,4 %** и саноат, **11,3 %** и қурилиш тармоқлари ва **43,3 %** и хизматлар соҳасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида **96,9 %**, қурилишда **77,6 %**, хизматлар соҳасида **45,1 %** ва саноатда **26,4 %** ни ташкил этди.

VI. Ўзбекистон Республикаси бўйича кузатилмайдиган иқтисодиёт

2025 йилнинг январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кузатилмайдиган (уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда яширин) иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **433 679,8** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **33,3 %** ни ташкил этди.

Шундан уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолиятининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми **333 823,2** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **25,6 %** ни ташкил этди. Яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса **99 856,6** млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши **7,7 %** ни ташкил этди.



Мавзуга доир ҳавола:

[Кузатилмайдиган иқтисодиёт](#)

2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти ҳамда яширин иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги **69,4 %** ни, хизматлар соҳаси **36,2 %** ни, қурилиш **35,0 %** ни ва саноат **10,2 %** ни ташкил этган.

VII. Изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) Миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланиб, иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ҳамда ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради.

Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ҳудудининг барча резидент бирликларини иқтисодий фаолият турлари бўйича қамраб олади.

ЯИМни ишлаб чиқариш усули бўйича ҳисоблашда миллий иқтисодиётнинг қуйидаги секторлари ажратиб кўрсатилади: номолиявий корпорациялар, молиявий корпорациялар, давлат бошқаруви, уй хўжаликлари, уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлар.

ЯИМни ишлаб чиқариш усулида тармоқлар кесимида баҳолаш учун иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (ИФУТ-2)дан фойдаланилади.

Аҳоли жон бошига ЯИМ муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ ҳажмини мамлакатнинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки қисман қамраб олинмаган, шунингдек, статистика кўрсаткичларида акс эттиришда билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.

Уй хўжаликлари ва жисмоний шахслар фаолияти – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Яширин иқтисодиёт – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.

VIII. Ҳаволалар

[Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича услубий низом](#)

[Кузатилмайдиган иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича услубий низом](#)

[Ишлаб чиқариш усули бўйича ялпи ички маҳсулот](#)

Чоп этишга масъул:
Макроиқтисодий индикаторлар
ва миллий ҳисоблар бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Алоқалар: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (1060)

